



**ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ  
ВОҲАСИ – ТАРИХ, МАДАНИЙ  
ТАРАҚҚИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ  
ЎЗГАРИШЛАР ЧОРРАҲАСИДА**



**Жиззах 2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
ТАРИХ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**“ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – ТАРИХ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЧОРРАҲАСИДА”**

**(Республика илмий-амалий конференция материаллари)**

5. Замонов А.Т. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фан. фал. докт. дисс. Т. 2018.
6. Зиёева Д.Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда ҳарбий ишлар тарихидан // Ўзбекистон тарихи. 2002. - № 4.
7. Малицкий Н. Туркистон тўплами. Т., 1915.
8. Турсунов Б.Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари. (XIX асрнинг 70 йилларигача). Тарих фан. номз. дисс. Т. 2006. .
9. Шюц А. Кундалик тафаккурнинг тузилиши. Москва. Социологические исследования. 1988. № 2.
10. ЎзР МДА. И – 1043 – йиғма жилд, 1 – рўйхат, 2019 - иш.
11. ЎзР МДА. И – 1043 – йиғма жилд, 1 – рўйхат, 2020 – иш.
12. ЎзР МДА. И – 1043 – йиғма жилд, 1 – рўйхат, 2046 – иш.
13. ЎзР МДА. И – 1043 – йиғма жилд, 1 – рўйхат, 2047 – иш

## **ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИДА ҚУРБОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР**

**Ф.Ш.Ақчаев, ЖДПИ**

Юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихига оид тадқиқотларга эътибор қаратсак, ислом динининг ўлкада кенг ёйилиши исломдан аввалги диний эътиқодлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган зиёрат масканларининг трансформациялашувига олиб келган ва ушбу муқаддас қадамжолар ислом оламидаги машҳур саҳобалар ва дин уламолари номлари билан атала бошланган. Бундан ташқари, исломни ўлкаларга ёйиш мақсадида (ислом дини йўлида) машаққат чеккан, бошқаларга динни тўғри талқин қилиб бера олган ёки душманлар билан жангда ҳалок бўлган тарихий шахсларнинг хотираси ўлароқ турли зиёратгоҳлар ва қадамжолар юзага келган. Натижада, аждодлар руҳи билан боғлиқ маросимлар ҳамда исломнинг айрим бошқа одатлари баъзан яхлит ҳолда, баъзан қадимги диний эътиқодлар ҳамоханглигида ёки исломнинг халқона кўринишлари шаклида зиёратгоҳларда ташкил қилинган.

Воҳа аҳолисининг зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларни таҳлил қилар эканмиз, аксарият одатларнинг қўшни Самарқанд ёки Тошкент воҳаси урф-одатлари билан ўхшаш жиҳатлари бисёр эканлигини, айрим зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашлар қадимий эътиқод изларини ўзида сақлаганлиги сабабли маросимлар ҳам қоришиқ кўринишда акс этишининг гувоҳи бўлдиқ. Ахборотчиларнинг айтишича, Жиззах вилоятининг ҳозирги ҳудуди тарихнинг турли даврларида турли давлатлар ва хонлиқлар (Сўғд, Уструшона, Бухоро ва Қўқон хонлиқлари) таркибида бўлганлиги ёки этник бирликдаги қавм-қардошлиқ ҳисобига айрим қарашларда ўхшашликлар ёки такрорий жиҳатларни учратиш табиий ҳол. Аммо, маҳаллий ҳудуднинг географик хусусияти ва аҳолининг онгида шаклланган миллий характер жиҳатидан зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда маълум этноҳудудий фарқлар кўзга ташланади. Бундай локал хусусиятларни зиёратгоҳларда мунтазам ўтказилиб келинаётган “Қурбонлик” (худойи) маросимларини бажаришдаги айрим кўринишларда ҳам кузатиш мумкин.



Қурбонлик арабча Аллоҳга яқинлашиш, яъни унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйишни англатади [Ислом. Энциклопедия, 2017. 619-620 б]. Ислом анъанасига мувофиқ мазкур дин билан боғлиқ муқаддас кадамжоларда аксарият ҳолларда ўша авлиёлар, уларнинг авлод-аждодлари руҳи учун Аллоҳ йўлида катта-кичик маросимларда жонлик сўйиб, худойи ўтказилиб, “эхсон” ва “садақа” берилган. Зеро, эхсон ва садақани фақат рамазон ойи ва ҳайит кунларида эмас, балки бошқа вақтларда ҳам бериш тўғрисида шаръий ва диний китобларда зарур тавсиялар берилган. Диний адабиётларда қурбонликни амалга ошириш ислом динининг кенг тарқалган маросим амалларидан бири эканлиги қайд этилган [Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2016. 225-233 б]. Зиёратгоҳларда амалга ошириладиган қурбонлик ва эхсонлар ҳам шулар жумласидандир.

Воҳа аҳолиси орасида қурбонлик маросими зиёрат мавсумининг барча босқичларида амалга оширилади. Зиёратгоҳларга ташриф буюрган зиёратчилар эхсон учун имкон қадар қўй ва эчкини қурбонлик қилганлар. “Мухтасар” китобида эхсон учун қурбонликка сўйишнинг ҳукмларида аксарият ҳолатларда қурбонлик учун, асосан, қўй назарда тутилган [Зоҳид, 1994. 146-148 б]. Чунончи, ислом динида фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига атаб жонлик, яъни қўй сўйилади [Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2016. 223 б]. Марказий Осиё халқларининг маросимларда ўтказиладиган қурбонлик қилиш жараёнида қўлланиладиган ҳайвонларга алоҳида эътибор қаратилган. Одат бўйича қурбонликка туя, хўкиз, от ва қўй сўйилган. Жониворларни худоларга атаб қурбон қилиш қадимги диний эътиқодларнинг барчасида учрайди. Жумладан, қўйни қурбонликка сўйиш зардуштийлик динида ҳам кенг тарқалган. Қўй, қўчқор Фарн (кут-барака)нинг рамзи ҳисобланган, уни турли маросимларга атаб қурбонлик тарзида сўйганлар [Литвинский, 1968. С. 86.]. Авваллари қурбонликка аталган ҳайвоннинг териси рангига ҳам эътибор берилган. Масалан, Хива хонларининг муқаддас мазорларда қилган қурбонликлари оқ рангда бўлган. Маълумки, оқ ва қора рангларнинг мифологик мазмуни оламни яхши-ёмон, ёруғ-зулмат курашидан иборат, деб тушунган аждодларимизнинг қадимги диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир [Абидова, 2018. 108 б.].

Зиёратгоҳларда қурбонлик (худойи) маросимлари ислом дини қондасига мувофиқ эхсон сифатида бугун ҳам оммавий равишда амалга оширилади. Кузатишлар натижаси ва аҳолининг қурбонлик маросимидаги ниятлари, тилаклари ва фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, воҳада бу маросим қўйидаги сабабларга қўра ташкил қилинишининг гувоҳи бўлдик:

- маълум бир касалликлардан фориғ бўлиш мақсадида;
- фарзандли бўлиш, фарзанди борлар эса ўғил ёки қиз кўриш мақсадида;
- деҳқончиликнинг ривожига ва йиғилган ҳосилдан эхсон сифатида;
- оиланинг ота-боболардан қолиб келаётган анънавий зиёрати давомида;
- аввал қилган ниятларининг ижросини таъминлаш мақсадида;
- касб эгалари томонидан ўзларининг ҳомийси (пирлар) қўллаши мақсадида;
- лавозим ёки ютуққа эришганидан кейинги миннатдорчилик туйғуси сифатида ва х.к [дала ёзувлари, 2.].

Қурбонлик учун сўйилиши керак бўлган ҳайвонлар бир йил, олти ой давомида яхшилаб боқилиши керак. Баъзан, чорвадорлар орасида эгизак туғилган қўй ёки эчкиларнинг битгаси туғилган вақтида қурбонлик учун ният қилиб, алоҳида боқилиши кузатилади [дала ёзувлари, 3.]. Воҳадаги қурбонлик маросимлари икки кўринишда

амалга оширилади: аталган қурбонликни тирик кўринишда ва сўйиб гўштини тарқатиш. Биринчи кўринишдаги қурбонлик – ёш болалар ҳамда аёлларда учрайдиган касалликларни даволаш, ҳомиладор аёл соғ-саломат фарзандли бўлиши ҳамда оила аъзосининг сафардан соғ-саломат келиши (замонавий кўриниши ҳарбий хизматга ва хорижга ишлаш учун кетишдан аввал) мақсадида ўтказиладиган “қонлаш” (кўп ҳолларда хўроз ва товук билан) маросимидир[дала ёзувлари, 4.]. Яъни қурбонлик учун олиб келинган қўй ёки эчкининг қулоғидан, хўроз ёки товукнинг тожидан қон чиқариш йўли билан маросим ўтказилади. Одатда, қурбонлик учун олиб келинган жонлик тириклайин қайтариб олиб кетилади ёки зиёратгоҳдаги масъул шахсга, яқин ҳудуддаги масжид ҳужрасига (асосан, рамазон ойлари), ночор оилага ёки маросимни ўтказиб берган аёлга берилади.

Иккинчи кўринишда, аталган жонлик сўйилади ва тартиб бўйича тарқатилади. Кузатишлар натижасида аён бўлдики, воҳа зиёратгоҳларининг аксариятида қурбонлик учун сўйилган жонлик гўштининг бир қисми шу ернинг ўзида пишириб ейилади. Ахборотчиларнинг айтишича, улар қурбонлик қилишганда, гўштининг қолган қисми «хонталаш» қилиниб зиёратгоҳнинг масъул шахсларига, ночор оилаларга, маросим ўтказувчининг яқин қариндошларига ҳамда масжид ҳужрасига эҳсон қилинган. Қурбонлик маросими, одатда, ҳафтанинг Чоршанба ва Якшанба кунлари, шунингдек Ийди Қурбон Ҳайити кунлари ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, воҳадаги зиёратгоҳларда ўтказиладиган ислом дини билан боғлиқ маросимлар, расм-русумлар ва унинг қоидаларини ўрганиш натижасида мазкур маросимлар ислом дини билан боғлиқ ҳолда ёки ислом динига оид, деган қарашлар асосида шакллангани ва улар халқона ислом анъаналари, қоидалари асосида ҳамда воҳа аҳолисининг асрлар давомида аجدодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маросимлари орқали ривожланганлиги аниқланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис. Т., 2018.
2. Дала ёзувлари. Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Зомин, Ш.Рашидов ва Янгиобод туманлари. 2014–2018 й.й.
3. Дала ёзувлари. Жиззах вилояти туманлари. 2014–2018 й.й.
4. Дала ёзувлари. Янгиобод, Зомин, Фориш туманидаги зиёратгоҳлар. 2014–2018 й.й.
5. Зоҳид Р. Мухтасар. Т.: Чўлпон, 1994.
6. Ислом. Энциклопедия. Т.: ЎзМЭ, 2017.
7. Литвинский Б. Кангюйско-сарматской фарн (К историко-культурным связям племен Южной России в Средней Азии). Душанбе: Дониш, 1968..
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. – Т.: Nilol нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2016..
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг...



2	<i>Аширов А.А.</i> Ўзбек халқининг нон билан боғлиқ маданияти ва урф-одатлари.....	149
3	<i>Мухаммадиев А.</i> Палеолит даврида мобиллик масаласи.....	157
4	<i>Омонов А.М.</i> Фарбий Тяньшон тоғ тизмаси худудида жойлашган илк палеолит даври ёдгорликларининг ўрганилиши.....	161
5	<i>Абдуллоев Ш.Б.</i> “Авеста”да “Даэва”лар образи ёхуд уларнинг дастлабки илмий талқини.....	165
6	<i>Реутова М.А.</i> Тема подношения даров в буддийской живописи памятников северной Бактрии.....	169
7	<i>Кобзева О.П.</i> Женские богини в обрядах и традициях народов Средней Азии.....	172
8	<i>Давлатова С.Т.</i> Тарихий-этно(социо)логик тадқиқотларни ўрганишнинг услубий жиҳатлари.....	178
9	<i>Ҳақназаров Х.Д.</i> Тарихий тадқиқотларда кундалик ҳарбий ҳаётни ўрганишнинг методологик муаммолари.....	185
10	<i>Ақчаев Ф.Ш.</i> Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида қурбонлик билан боғлиқ маросимлар.....	189
11	<i>Mirkomilov B.M.</i> Rivoyatlarda aks etgan tarix yoxud “Qiz uchgon qoyatoshi” haqida.....	192
12	<i>Охунова Г.А.</i> Свадебные обряды узбеков города Оша: традиции и инновации.....	194
13	<i>Раззоқова Г.Қ.</i> Халфачилиқда устоз-шогирд тизими ва у билан боғлиқ анъаналар.....	197
14	<i>Хамраев Ф.Ф.</i> Жиззах воҳаси аҳолисининг чорвачилиқ билан боғлиқ маросимларида қадимги диний эътиқодларнинг ўрни.....	199
15	<i>Жуманазарова Д.У., Қобилов С.И.</i> Жиззах воҳаси аҳолисининг фарзанд тарбияси билан боғлиқ анъаналари.....	201
16	<i>Назаров А.А.</i> Исбискат – Буюк Ипак йўлида.....	205
17	<i>Эшмуҳаматов А.Ш.</i> Жиззах воҳаси ёдгорликларида чорвачилиқ билан боғлиқ материалларнинг ёритилиши.....	208
18	<i>Абдуқодиоров С.Б., Ҳақимова Ч.А.</i> Жиззах воҳасида патли гиламлар тўкилишининг ўзига хослиги.....	212
19	<i>Юлдашева М.М.</i> Муқаддас илоҳалар саломатлик таянчи.....	215
20	<i>Дехқонов М. Р.</i> Оилада геронтологияни тарихий ривожланиш омиллари.....	219
21	<i>Давлатова Ҳ.Б.</i> Жиззах воҳаси тожикларининг никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлари.....	222

#### IV. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ, ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИ

1	<i>Асқаров А.А.</i> Ўзбек халқи этногенезининг бронза давридаги шаклланишига доир.....	226
2	<i>Матбобоев Б.Х., Алохунов А.А.</i> Фарғона водийси илк темир даври тарихини ўрганиш муаммолари (Эйлатон маданияти).....	231
3	<i>Каттаева Г.Ч.</i> Сополли маданияти тақинчоқларининг вазифаси хусусида мулоҳазалар.....	236